

Ганадаги қишлоқлардан бирида 35 киши мусулмон бўлди



16:08 / 19.11.2018 2263

Ганада фаолият олиб бораётган “Намаа” ривожланиш хайрия халқаро ташкилоти мамлакатнинг шимолида жойлашган Баса вилояти, Камули қишлоғида умумий майдони 80 метр кв. бўлган янги масжидни қуриб, фойдаланишга топширди деб, [хабар беради](http://alukah.net) Alukah.net сайти. Ташкилот бу ишларни Гана мусулмонларига кўрсатилаётган ёрдамнинг давоми дея изоҳлади. Шунингдек, хайрия ташкилоти Гананинг шимолида жойлашган Бимбала вилояти, Сакба қишлоғида олиб борган фаолиятлари давомида қишлоқ аҳолисидан 35 кишининг ислом динини қабул қилганини ҳам эслатиб ўтган. Маълум бўлишича, мазкур ҳудудга қилинган аввалги зиёрати натижасида 110 нафар киши исломни қабул қилган экан. “Намаа” ривожланиш хайрия халқаро ташкилоти Африка давлатларида ўз фаолиятини 2011 йилда бошлаган бўлиб, қитъа давлатларига ҳар томонлама беминнат кўмак бериб келмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти